

ФАЛСАФА ДАРСЛИГИ МАЗМУНИДА МАЪНАВИЙ МЕРОС ВА ҚАДРИЯТЛАР ТАЛҚИНИ

Файзиходжаева Д.И. -

ЎзМУ профессори, фалсафа фанлари доктори.

Инсоният цивилизациясининг давомийлигини таъминловчи асосий омиллардан бири бу — маънавий меросдир. Фалсафий контекстда маънавий мерос - ғоя ва таълимотлар йиғиндисини эмас, балки инсоннинг тарихдаги борлиқ усули сифатида маънолар шаклланишининг узлуксиз жараёнини ифодалайди.

Маънавий мерос маданий мероснинг таркибий қисми сифатида ижтимоий ва интеллектуал тажрибани узатишнинг ўзига хос шаклидир. Тафаккур тарихида (айниқса, Шарқ перипатетизмида) мерос ворисийлик занжири сифатида қўрилади. Масалан, антик давр мантиқий тизимларининг Шарқ мутафаккирлари асарларида қандай трансформатсияга учрагани мантиқнинг ўзини англаш воситаси сифатидаги ҳаракатини кўрсатади. Маънавий мерос глобаллашув ва ўзгарувчан замон шароитида ўзликни (идентификацияни) ушлаб турувчи “устун”дир. У инсониятнинг “маънавий соғлом” бўлиши учун зарур муҳит бўлиб, инсон жисмоний омон қолиши учун табиатнинг (экологиянинг) софлигига қанчалик муҳтож бўлса, ўзининг инсонийлигини сақлаб қолиши учун “маънавий экология”га доимий маъно-мазмун муҳитига шунчалик муҳтождир.

Маънавий мерос инсониятнинг ўз-ўзини англаш механизмидир. Биз ўтмишни унга қайтиш учун эмас, балки ўз ақлимиз ва руҳимиз имкониятларини янада чуқурроқ англаш учун ўрганамиз. Маънавий мерос шунчаки объект, қотиб қолган хабар эмас, балки чексиз талқин қилиш жараёнидир. Биз ўтмишни асосан бугунги кун призмаси орқали тушунамиз. Маънавий мерос муаллиф (масалан, ўрта аср файласуфи) “тушунчалар олами” билан замонавий китобхон-ўқувчи “тушунчалар олами”нинг учрашишига имкон беради. Ўтмиш матни ёки артефакти биз билан “сўзлаша” олсагина, яъни борлиқнинг долзарб саволларига жавоб бера олсагина, маънавий мероснинг бир қисми бўлиб қолаверади. Яъни, биз маълум бир нарсани қадрли деб ҳисоблаганимиз учунгина у меросга айланади.

Маънавий меросни ўрганиш жараёнида “қадрият” тушунчаси марказий ўрин тутаяди. Қадриятлар нафақат ўтмишдан қолган ёдгорлик, балки бугунги кун ва истиқболни белгиловчи маънавий мезонлардир.

Бугунги кунда талабаларнинг маънавий меросни ўрганишлари ва қадрлашлари учун уларда фалсафий тафаккурлаш маданиятини шакллантириш давримизнинг долзарб вазифаларидан биридир. Ёшлар мактаб даврида миллатимиз ва инсониятнинг маънавий мероси билан қисман танишадилар, маълумотга эга бўладилар. Лекин нима учун айнан шу шоир, олимнинг ижоди маънавий мерос эканлигини, уни ўрганиш, қадрлаш нима учун зарурлигини ва умуман маънавий мерос нима эканлигини тушуниб етмайдилар. Натижада олган билимларини амалда қўллай олмайдилар.

Маънавий меросга бўлган муносабат “қадрлаш”, “қадрият” тушунчалари орқали шаклланади. Биз ўтмишдан қолган ҳар қандай асар, таълимот, ғояни инсон ва жамият учун аҳамиятлилиқ даражасини баҳолашимиз натижасида уни қадрият сифатида эътироф этамиз. “Қадрият” нима?, “Қадриятлар қандай таснифланади?”, “Қадриятлар пиллапоёси (иерархияси) қандай шаклланади?” каби саволларга фалсафа фани жавоб беради. ОТМларда фалсафа фанининг ўқитилиши ёшларда маънавий мероснинг моҳиятини чуқур тушунишлари, ўзларини маълум бир маданий анъананинг давомчиси деб ҳисоблашлари, миллий маънавий меросни асраб авайлаш ўзларининг шаъни ва қадр-қимматларини ҳимоя қилиш билан баробар эканлигини ҳис қилишларига имкон беради.

Фалсафа фанидан ёзилган дарсликлар ҳажм жиҳатдан катта (400-500 бет атрофида) бўлиб, унда фалсафа йўналишида таҳсил оладиган талабаларнинг билиши керак бўлган маълумотлар қисқартириб баён қилинган. Шу жумладан қадриятлар масаласи ҳам алоҳида мавзу доирасида баён қилинади. (Фалсафа йўналиши ўқийдиган талабалар уни “Аксиология”

фани доирасида ўрганадилар.) Фалсафа дарсликларида урғу умумийликка берилган. Аксарият ҳолларда назарий маълумотлар келтирилган. Такрорлаш учун берилган саволлардан мақсад ҳам шу назарий билимларни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаштириш бўлган. Бирорта ҳам амалий вазифа, талабани фикрлашга ундайдиган савол (кейс) ўртага ташланмаган. Дарслик нофалсафий мутахассислар учун тайёрланганлиги эътибордан четда қолган. Нофалсафий мутахассислар учун фалсафа фанини ўқитишдан мақсад уларни Ғарб фалсафаси вакиллари билишлари, уларнинг фалсафа фанига, унинг маълум бир йўналишига қўшган ҳиссалари ҳақида маълумотга эга бўлишлари эмас, балки воқеа ва ҳодисаларнинг фалсафий моҳиятини тушунишларига эришишдир. Шу орқали мустақил, танқидий тафаккурлашга ўргатишдир. Юқорида нофалсафий йўналишда таҳсил олаётган талабалар учун ёзилган дарсликларга билдирган эътирозларимизни “Қадриятлар фалсафаси. (Аксиология)” мавзуси мисолида кўриб чиқамиз. Аввало қадрият тушунчасига берилган таърифларни кўриб чиқамиз.

Муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган Фалсафа дарслигида бу тушунчага қуйидагича таъриф берилган: “Қадрият” тушунчаси - воқеликнинг моддий, маънавий ва идеал тарзда зоҳир бўладиган турли-туман шакллари, кўринишлари, нарсалар, ҳодисалар, жараёнлар, муносабатлар, турли сифатлар, хусусият, ахлоқ ва маънавийлик мезонлари ҳамда бошқаларнинг субъект учун ижтимоий аҳамияти ва қадрини ифодалайдиган энг умумий аксиологик категориядир.[1.275.] Фалсафа асосларида эса “Қадрият нарса ва буюмларнинг қимматига нисбатан қўлланилмасдан, балки инсон учун бирор аҳамиятга эга бўлган воқеликнинг шакллари, ҳолатлари, нарсалар, воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаб, тартиблар ва бошқаларнинг қадрини, ижтимоий аҳамиятини ифодалаш учун ишлатиладиган фалсафий категориядир.” [2.125.] деган таърифни ўқиймиз. Учинчи дарслигимизда эса: “Фалсафий нуқтаи назардан қадрият бу инсоннинг дунёга, воқеликка ва ўз ҳаётига нисбатан маънавий муносабати натижасида шаклланган кадр баҳо мезонидир. Демак қадрият бу инсон онгидаги идеал меъёр ва мезонлар тизими бўлиб у орқали жамиятда маънавий тартиб ва маъно ҳосил бўлади.”[3.291.] Юқоридаги таърифлар мазмунан ўхшаб кетса ҳам, тушунчанинг турли қирраларига эътибор берилиши, уларнинг ифодаланишига кўра фарқ қилишига сабаб бўлади.

Юқоридаги таърифларнинг ҳар бири мантиқ илмининг таърифлаш қоидаларига мос таърифланган. Бу борада эътироз йўқ. Бизнингча дарсликлардаги таърифлар бир хил бўлиши керак. Ҳудди математика, физика ва грамматикадаги каби. Бу фалсафа, яъни гуманитар фан, аниқ фан эмас, унда ҳар бир муаллиф ўзи маъқул кўрган таърифни бериши мумкин деган эътироз билдирилиши мумкин. Тўғри, лекин дарсликларда асосий тушунчаларга ҳар хил таъриф берилиши талабани чалғитади. Бизнингча “Қадрият” тушунчасига берилган турли таърифларни мавзунинг амалий вазифалар қисмида берилса ва талабалардан уларни таҳлил қилиш ва “Сизга қайси таъриф маъқул ва нима учун?” деган саволлар қўйилса, талабанинг мустақил фикрлаш кўникмалари янада ривожланган бўлади ва ўз фикрини далиллаб беришга ўрганади. Бу борада қадрият тушунчасига берилган таъриф инсоннинг воқеликка муносабати ва баҳолаши билан боғлиқлигига урғу берилиши муҳимдир. Чунки айнан шу жиҳатлар талабаларнинг кенг маънода воқеликка ва ўзларига бўлган муносабатларини баҳолашга ва қадрлашга ўргатади. Ҳудди шу усулни мавзунинг қадрият тушунчасининг шаклланиш тарихи қисмида ҳам қўллаш мумкин.

Бу мавзуда қадриятларнинг тўғри таснифланиши ҳам ниҳоятда муҳимдир. Юқорида кўрсатилган дарсликларда қадриятлар таснифи тўлиқ ва аниқ берилмаган. Мантиқ илмининг тушунчаларни бўлиш ва таснифлашга оид қоидаларига биноан қадриятларни таснифлашда бўлиш асоси аниқ кўрсатилиши шарт. Дарсликларда бу ҳолат кўпинча “яширин” бўлиб қолган ва таснифлар тўлиқ бўлмаган. Уларда воқеа ва ҳодисаларнинг объектив асосига кўра моддий ва маънавий қадриятларга, субъектларига (ташувчисига) кўра: шахсий, оилавий, жамоавий, касбий ва бошқаларга бўлиниши алоҳида кўрсатилади.

Қадриятларнинг шахсий, оилавий, жамоавий, миллий, минтақавий, диний (маълум бир динга эътиқод қилувчилар доирасида), умуминсоний турларга бўлиниши асосида қамров

доираси (амал қилиш доираси) белги қилиб олинганлиги қайд этилмайди. Шунингдек, кадриятларнинг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда давомийлигига кўра қисқа муддатли, узоқ муддатли ва доимий турларга бўлинишини кўрсатиш, бу давомийликнинг нималарга боғлиқлигини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради. Ижтимоий онг шаклларига кўра кадриятларнинг таснифи деярли барча дарсликларда берилган. Бу таснифда баъзан илмий (эпистемик) кадриятларга ўрин берилмаган. Кадриятлар таснифи билан боғлиқ яна бир масала солиштириладиган ва солиштирилмайдиган кадриятлардир. Масалан, “Инсон ҳаёти учун сув қадрлими ёки ҳаво?” деган савол солиштириб бўлмайдиган кадриятлар ҳақидаги саволдир. “Инсон учун ҳамёни қадрлими ёки ҳаёти?” бу солиштириладиган кадриятларга оид саволдир. Айтиш мумкинки, бир неча кадриятлардан бирини танлаб, бошқаларини четга суриб бўлмайдиган кадриятлар солиштирилмайдиган кадриятлардир. Танлаш имкони бўлган кадриятлар эса солиштириладиган кадриятлардир.

Стенфорд энциклопедиясига кўра ички ва ташқи кадриятлар фарқланади. [5.] Ички кадрият ўз-ўзидан қимматли бўлган нарсаларни, яъни бошқа бирор мақсадга эришиш воситаси бўлгани учун эмас, балки борлигининг ўзи учун қадрланадиганларни ифодалайди. Масалан, бахт, билим ёки завқ. Ташқи кадрият бирор бошқа нарсага эришиш учун восита бўлган кадриятлардир. Масалан, пул ўз-ўзидан кадрият эмас, лекин у бошқа эҳтиёжларни қондириш воситаси сифатида қадрланади.

Кадриятлар яна мазмуни ва шаклига кўра субъектив (инсоннинг хоҳиши, диди ёки ҳиссиётларига боғлиқ) ва объектив (инсоннинг фикридан қатъи назар, ўз қимматига эга бўлган тушунчалар) турларга бўлинади. Биринчисига шахсий қизиқишлар мисол бўлса, иккинчисига ҳақиқат, адолат тушунчаларини ёки инсон ҳаётини мисол қилиш мумкин.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, кадриятлар таснифи мантикий асосига кўра турли хил бўлиши мумкин.

Инсон фақат ўзида бор бўлган, яъни ҳис қиладиган ва кадриятлар дунёсига қирадиган нарсаларгина эмас, балки ҳис қилмайдиган, аммо мавжуд бўлган кадриятлар ҳам бор. Инсон кадриятларни ҳис қилишнинг чексиз имконига эга. Унинг кадриятлар дунёси қанчалик бой ва тўла бўлиши эса унинг бу кадриятларни ҳис қилиш қобилиятининг қанчалик ривожланганлигига боғлиқ. Бу ҳолат ҳар бир инсонда ўзига хос кадриятлар поғонасини (иерархиясини) шакллантиради.

Барча кадриятлар тизимида ўзига хос бир қонуният мавжуд бўлиб, унга кўра кадриятлар бир-бирига нисбатан шундай “поғонали тузилма” (иерархия) ҳосил қиладиги, натижада бир кадрият бошқасидан “юқори” ёки “қуйи”да туради. Бу поғонали тузилма, “ижобий” ва “салбий” кадриятларга ажралиш каби, кадриятларнинг ўз моҳиятидан келиб чиқади ва фақат “бизга таниш бўлган кадриятлар” билан чекланмайди.[4.305.] Дарсликлардага кадриятлар мавзусида кадриятлар поғонасини аниқлаш ҳам муҳим амалий аҳамиятга эга.

Мантиқ фанидан дарс бериш жараёнида муҳаббат тушунчасини объектига кўра, қадрланиш даражаси нуктаи назаридан юқоридан қуйига ёки қуйидан юқорига қараб бўлиш вазифасини берганимда, талабаларнинг деярли барчаси энг биринчи ўринга, юқорига “Аллоҳга муҳаббат” ни қўйганлар. Кейин ота онага, ватанга муҳаббат ва б. ларни ёзганлар. Демак шахс кадриятлар таснифида илоҳийлик муҳим ўрин эгаллайди. Шу ўринда талабаларга “Аллоҳга бўлган муҳаббат сизни бошқаларнинг ҳаққига ҳиёнат қилишдан қайтариши керак. Сиз шундай қиласизми? Имтиҳонни ўз билимингиз билан топширасизми ёки кўчирасизми?” деб савол берилиши уларнинг кадриятлар пиллапояси ҳақидаги тасаввурларини аниқлаштиришга ёрдам беради.

Айтиш жоизки, ҳар бир шахснинг, оиланинг, жамиятнинг ўз кадриятлар пиллапояси бор. Улар бир-бирига ҳамма вақт ҳам мос келмайди, баъзан зиддиятли вазиятлар ҳам учрайди. Масалан шахсий ва оилавий кадриятлардаги тушунмовчилик манфаатлар тўқнашувини, зиддиятларни келтириб чиқаради. Дарсликларда бундай ҳолатлар билан боғлиқ муаммоли вазиятларнинг (кейсларнинг) берилиши талабаларнинг олган билимларини

амалиёт билан боғлашларига, танқидий тафаккурлаш қобилиятларининг юксалишига имкон яратади.

Юқоридаги фикрлар нофалсафий йўналиш талабалари учун Фалсафа дарсликларининг ёзилиши билан боғлиқ бўлиб, қадриятлар мавзуси доирасида баён қилинди. Бу мулоҳазалар дарсликдаги бошқа мавзуларга ҳам тааллуқлидир. Таълимни рақамлаштириш (рақамли платформалар, электрон кундаликлар, масофавий таълим) жараёнида технологик детерминизм ва жонли мулоқотнинг тахчиллиги, яъни инсоний мулоқотнинг қадрсизланиши ва “коммуникатив бегоналашув” муаммосининг олдини олиш, талабаларда шаклланиб бораётган “клип-фикрлаш” нинг салбий оқибатларини қисман бўлсада камайтириш мақсадида Фалсафа дарсликларидаги мавзуларни амалиёт билан боғлаш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир. Муаммони ҳал қилишда “ёшлар телефонга боғланиб қолди” деган оддий, кундалик қарашдан юқори кўтарилиб, педогог ва талаба ўртасидаги жонли, ҳис-туйғуларга ва маънавий таъсирга асосланган “Мен ва Сен” муносабатини жонлантириш орқали, таълим олувчиларда ижтимоийлашувнинг кучайишига, виртуал дунёдан реал дунёга эътиборли бўлишларига, жамиятдан ажралиб қолишларининг олдини олишга ҳаракат қилиш зарур. Бу борада Фалсафадан ёзилган дарсликлар илмий терминларининг мураккаблиги, назарий маълумотлар ҳажмининг катталигидан талабаларни ўзидан узоқлаштирадиган эмас, балки содда тилда тушунарли ёзилган, ихчам ҳажмли, амалиёт билан боғланган, ҳаётий муаммоларнинг ечимини топишда ёрдам берадиган кейслар базасига эга бўлган, фалсафий тафаккурни шакллантирадиган ўқув адабиёти бўлишига интилиш муҳимдир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Falsafa. Darslik. Mualliflar jamoasi. Toshkent, 2024. 268- 306- б.
2. Назаров Қ. Фалсафа асослари. Дарслик. Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2024. - 200 б. <http://library.ziynet.uz>
3. Holmominov J. Falsafa [Matn] Darslik -Toshkent: Marifat-print- media, 2026. 289-314-b.
4. Шелер М. Формализм в этике и материальная этика ценностей //Избр. произв. М.”ГНОЗИС», 1994, с. 305.
5. Value Theory. Stanford Encyclopedia of Philosophy. <https://plato.stanford.edu>
6. Назаров Қ. Аксиология: қадриятлар фалсафаси. –Т.: ЎФМЖ нашриёти, 2016. -342 бет

РЕЗЮМЕ:

Мазкур мақолада фалсафа дарсликларининг мазмунини замонавий талабларга мослаштириш масаласи “Қадриятлар фалсафаси” мавзуи мисолида тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар: фалсафа дарслиги, маънавий мерос, қадриятлар, қадриятлар таснифи, қадриятлар пиллапоysi.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье исследуется проблема адаптации содержания учебников по философии к современным требованиям на примере темы «Философия ценностей».

Ключевые слова: учебник философии, духовное наследие, ценности, классификация ценностей, иерархия ценностей.

RESUME:

This article examines the issue of adapting the content of philosophy textbooks to contemporary educational requirements through the example of the topic “Philosophy of Values.”

Keywords: philosophy textbook, spiritual heritage, values, classification of values, hierarchy of values.